



НУТҚИЙ АКТЛАР МАЗМУНИНИ ВОҚЕЛАНТИРУВЧИ МОДАЛ БИРЛИКЛАР

*Холматова Вазира Нарзуллаевна, КарМИИ доценти в.б., (PhD)
Жумаев Санжар Жўрақулович, КарМИИ катта ўқитувчиси*

Калит сўзлар: нутқий актлар, прагматик мазмун, коммуникатив мақсад, модал операторлар, мулоқот матни, сўзловчи, тингловчи.

Мулоқот контекстида кўзланаётган мақсадни амалга ошириш учун сўзловчи ушбу мақсадни лисоний шакллантиришга йўналтирилган қатор когнитив амалларни бажаради. Бундан ташқари, ўз мақсадини ифодалаётган шахснинг онгида адресатдан кутилаётган жавобнинг тахминий қолипи ҳам шаклланиб улгуради. Шунга биноан, сўзловчи ўз нутқий ҳаракатини кутилаётган жавобга мос равишда бажаришга интилади. Мулоқот вазиятида юзага келаётган талабларни қондириш амалиёти нутқий актларнинг алоҳида таъкид, қатъият ила бажариши билан бир қаторда, таъкидсиз ва нейтрал (бетараф) нутқий актлар ҳам ҳосил бўлиши кузатилади. Шундай қилиб, ягона бир прагматик мазмун таъкидли ёки ҳеч қандай таъкидсиз узатилиши мумкин. Мазмуннинг бу сирадаги ўзгариши, одатда, икки қарама-қарши йўналишда кечади ва бунда марказда нейтрал прагматик мазмун туриб, кейинги кутбларда таъкид кучаяди ёки сустлашади.

Нутқ актларининг мазмун жиҳатидан даражаланиши ва фарқланишида гап прагматикасида муҳим ўринни эгаллайдиган модалликнинг ҳам ҳиссаси бор. Нутқий ҳаракатлар маълум қилинаётган ахборотнинг ҳақиқатлиги, аниқлиги, ишончилиги, фаразлиги, зарурлиги кабилар билан фарқланади. Анъанавий грамматикада ушбу маъно оттенкаларининг модаллик категориясига киритилиши барчага маълум. Прагмалингвистлар мазкур қатордаги маънолар баҳо модаллиги мазмуни касб этишини қайд этадилар [Levinson 2000].

Нутқий тузилманинг у ёки бу прагматик-модал вариантыни танлашда асосий вазифани мулоқотдошларнинг

ижтимоий роли ўтайди ва ушбу ролни белгиловчилар қаторига қуйидагилар қиради: 1) инсоннинг туғилишдан эгаллайдиган роли (жинс, миллат, элат); 2) ижтимоий мақом (жамиятда эгаллаган ўрни); 3) маълум вазиятда бажарадиган вазифаси [Макаров 2003: 214; Карасик 1992; Thomas 1995: 129]. Шунингдек, коммуникантларнинг ёши, маданияти ва эмоционал-руҳий ҳолати ҳам танловга таъсир ўтказади. Санаб ўтилган омилларни «контекстуал прагматик муҳит» [Беляева 1987: 25] бирликлари сифатида қараш маъқулдир. Баъзи тилшунослар нутқий акт таркибида иллокутив ҳаракатни ажратадилар ва уни сўзловчи томонидан самарага эришиш учун бажарилган танлов натижаси, деб қарайдилар [Haverkate 1999].

Прагмалингвистлар таклиф қилишган таснифлардаги нутқий актлардан (констатив, директив, савол) ҳар қандай таъкидли, нейтрал ва таъкидсиз кўринишларда воқеланиши мумкин.

Констатив нутқий актининг прагматик мазмуни асосан эпистемик модаллик билан боғлиқ, яъни маълум қилинаётган ахборотнинг сўзловчи томонидан мумкинлик ёки эҳтимоллик нуқтаи назаридан баҳоланади. Ушбу маънонинг ифодаланиш даражаси турлича, у тасдиқдан инкоргача бориб етиши мумкин. Тилшунос Марион Краузе эпистемик модаллик майдонида «тўлиқ ишонаман», «қарийб ишонаман», «яхшиси ишонаман», «ишонмайман» каби маъноларни фарқлашни ихтиёр қилган экан [Krause 2007: 250]. Шу муносабатбилан, С.Боймирзаеванинг ишончилилик микро майдонида намоён бўладиган ушбу турдаги фарқларни



инобатга олиб, унинг таркибида эҳтимоллик, ҳақиқийлик, қатъият маъноларини ҳам ажратиш лозимлиги ҳақидаги фикрига тўлиқ қўшилса бўлади [Боймирзаева 2010: 99].

Шунга ўхшаш фикрни инглиз семантиги Ж.Лайонз ҳам билдиради. Унинг қайдича, тасдиқ маъноси «қатъий тасдиқдан - эҳтимолли тасдиққача» даражаланиши мумкин [Lyons 1997] ҳамда бундай вариантлашувнинг «ишончли тасдиқдан - ишончсиз тасдиққача» етиб келиш эҳтимоли йўқ эмас [Mittwoch 1986].

Мулоқотда самарага эришишнинг яна бир шарт-тингловчи эшитаётган мазмунни сўзловчи мақсадига муқобил равишда қабул қилиши лозим. Тингловчи нутқий тузилманинг мазмунини, энг аввало, лисоний қобилияти, яъни тилни билиши даражасида фаҳмлайди. Демак, сўзловчи ҳам нутқий мазмунни (масалан, тасдиқли хабарни) қатъиятлаштириш ёки юмшатиш учун шу мақсадни рўёбга чиқариш хизматини ўтайдиган лисоний бирликларга мурожаат қилади. Хабар тасдиғини таъкидловчи ёки кучайтирувчи маънога эришишни таъминловчи лисоний воситалар турли кўринишга эга бўлиши мумкин. Нутқий фаолият жараёнида бундай вазифани ўтайдиган воситалар одатда, «индикаторлар» (indicators) ёки «операторлар» (operators) деб номланадилар [Crystal 2008: 242; 341; Quirk, Greenbaum 1999: 11]. Баъзи тилшунослар ушбу воситаларни эпистемик модаллик категорияси билан боғлаб, уларни сўзловчининг ўзи маълумот бераётган воқеа-ҳодиса ҳақида ахборотнинг ҳақиқийлигига ишончини тасдиқловчи «эпистемик квалификаторлар» (epistemic qualifiers) сифатида фарқлайдилар [Aijmer 1990: 11].

Бизнингча, нутқий актларнинг таъкидли/таъкидсиз вариантлари, дастлабки ўринда, сўзловчининг узатилаётган ахборотга ишончи ёки гумони билан боғлиқ ҳолда юзага келади ва шунга нисбатан уларнинг адресатга таъсир кучи ўсиб боради. Нутқий актнинг таъкидсиз тури воқеланишида тингловчига уни қандай қабул қилиш ихтиёри

берилади. Демак, таъкидсизлик модуси ишончсизлик, гумон, фараз қилиш, эҳтимоллик, мумкинлик каби модал маъноларни қамраб олади.

Шу сабаб, нутқий акт мундарижасидаги таъкидсизликни ҳеч тортинмасдан модал-прагматик мазмун доирасига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Ушбу маъно тил тизимида олдиндан мавжуд бўлмасдан, балки фақат мулоқот жараёнида юзага келади. Мазкур талқин нутқий тузилманинг юқоридаги турини маълум даражада сўзловчининг ахборот реаллигига ишончсизлигидан дарак беради [Сонич 1985; Старикова 1985].

Нутқий акт қанчалик қатъиятсизлик билан ижро этилса, у шунчалик ҳурмат категориясига ҳозиржавоб кўринади. Е.М.Вольфнинг фикрича, таъкиднинг кучсизланиши асосида Г.Грайснинг «ҳамкорлик» ва Ж.Личнинг «хурмат» тамойиллари туради. Ушбу тамойилларда суҳбатдош учун қўпол туюладиган фикрни юмшатиш назарда тутилади [Вольф 2002: 108], зеро, бу ерда хушмуомалалик ва ҳақиқатгўйлик уйғунлашади [Ball 1990]. Шундай хусусиятга тахмин, эҳтимоллик, маслаҳат, илтимос, таклиф, мурожаат, танишиш, хайрлашув, қўллаб-қувватлаш нутқий ҳаракатлари эга эканлиги барчага маълум.

Таъкидли констатив нутқий акти, аксинча, берилаётган хабарнинг муҳимлиги, ҳақиқийлигини ифодалаётиб, адресатга таъсирини кучайтиради. Чунки сўзловчи тингловчининг берилаётган ахборотнинг ростлиги ва муҳимлигига ишонтиришга, унинг гумонларини йўқотишга ҳаракат қилади.

Адресат фикрига қатъиян қўшилмаслик, унга эътироз билдириш, шунингдек, *frankly*, *honestly*, *truthfully*, *sincerely* модал сўзлари билан биргаликда перформатив равишлар қаторига мансуб *as a matter of fact* предлогли бирикмаси орқали ҳам ифодаланади [Huang, 1995: 24]. Бизнинг назаримизда, *as a matter of fact* бирикмасининг модал мазмуни нутқий ҳаракатнинг бевосита бажарилишида эмас, балки пропозиционал мазмунни воқелик,



ҳақиқат билан қиёслаш учун қўлланилади. Бирикманнинг ушбу маъноси луғатларда ҳам қайд этилган [Oxford I, p.305; Webster, p.710].

«The fact that he's here at all is the best indication of guilt I know». Mason laughed and said: «As a matter of fact, I'm here on a civil case [Gardner, p.74] (though you think I'm not);

5) Сўзловчи ёлғон деб ҳисоблаётган адресат пресуппозициясини кескин рад этиш:

(though you think I know). My family isn't going to come anywhere near yours, ever. Actually, I came to say that Patricia and I would like to adopt Tamar (though you think I didn't) [Murdoch, The B. and B., p.319]; As a matter of fact I was asked to keep the conversation in strict confidence [Sheldon, Windmill, p.85] (though you think I was not);

6) адресатнинг талаби, илтимоси ва таклифининг қатъий рад этилиши: «Still, if you run short, you can have anything I've got». «I'm counting on that», she smiled «But I really don't need a thing, Alex» [Sheldon, M. of the G., p.313];

7) адресат саволига жавоб беришдан тамоман қочиш:

– Don't they teach you anything at school?

– Not about clocks actually [Cooper, p.184];

8) эмфатик баҳонинг ифодаланиши:

Carlos was a really stupid man [Vonnegut, p.193]. Well, well, Mr. Mason, this is indeed a pleasure [Gardner, p.28].

Баҳолашнинг кучайтирилишини баҳо объектига нисбатан адресатнинг сохта пресуппозицияси сўзловчида шубҳа туғдирган ҳолларда кузатиш мумкин:

Gianni really is a lovely person, you just don't know him very well [Breadford, p. 422] (Though you think he isn't).

9) *really, indeed* модал сўзлари чин дилдан билдирилган миннатдорчиликни ифодалаш учун ҳам ишлатилиши мумкин. Аммо, ушбу ҳолларда модал сўзлар қатъийликни ифодаловчи бирликлар сифатида гавдаланмайди, чунки сўзловчи ушбу вазиятда констатив шаклдан умуман

бошқа коммуникатив интенцияни-миннатдорчилик интенциясини ифодалашда фойдаланган. Миннатдорчилик билдириш нутқий ҳаракати структурасига «ҳақиқатан ҳам» мазмунидаги модал сўзнинг киритилиши сўзловчининг миннатдорлиги юкори даражада эканлигини ифодалаш мақсади билан боғланган. Ушбу вазиятда модал сўзнинг ишлатилиши интензивлик категориясига асосланган [Labov, 1984].

That'd be marvelous. I really appreciate your help [Bradford, p.363]. Indeed, I thank you very much [Donleavy, p.287].

Миннатдорчилик нутқий ҳаракатининг кучайтирилиши таклифни хушмуомала рад этиш шакли сифатида хизмат қилиши мумкин:

– Would you mind some more, darling?

– No. Thank you ... very much ...

indeed [Cooper, p.180].

Шу билан биргаликда, «ҳақиқатан ҳам» мазмунидаги модал сўзлар алоҳида маъно тусларига эга ва улар нутқий тузилмада ўзига хос вазифаларда келиши кузатилади. Масалан, *really* модал сўзи:

а) сўзловчи билдирган олдинги фикрга нисбатан зид пропозицияни киритиш вазифасини бажаради:

She looks like a little old gnome. But, really, she's going to be a beauty, Lyon [Susann, p.475];

б) ушбу сўз бошқа бировнинг ҳаракатини оқлашни кучайтириши мумкин:

But I only took a few pills. I really was just trying to get some sleep [Susann, p.323].

Really модал сўзи мазмунида «қизиқиш», «хайратланиш», «қатъий рад этиш» семаларининг мавжудлиги боис [Oxford 2, p.195], у нутқий тузилма семантикасига адресат хатти-ҳаракатларидан аччиқланиш, таажжубланиш, хайратланиш, танқид, салбий баҳолаш маъно бўёқларини киритади:

– What's your name?

– Felicity.

– Really [Donleavy, p.62].

Қуйидаги вазиятда *really* оператори «I'm really surprised at you» иллокутив



мақсадини тағмаъноли ифодалаш воситасига айланади:

– Are you serious?

– Really, Emily. That’s a stupid question [Bradford, p.71].

Really оператори билвосита директив нуткий актига кўчаётган констативнинг прагматик мазмунини кучайтириши мумкин:

Really Jack, you can’t drink Bernard’s private supply [Cooper, p.209].

Қатъийлик, таҳдид прагматик мазмунининг сусайтирилиши, одатда, сўзловчининг назарида тингловчига салбий таъсир ўтказа олувчи инкор тузилмаларда кузатилади. Коммуникатив мақсад ифодаси таъсирининг бу қадар сусайтирилиши модал бирликнинг бевосита инкор тузилмадан кейин жойлашувида юзага келади. Бундай ҳолларда really бирлигининг вазифаси таҳдидни юмшатишга қаратилган бўлади:

1) саволга жавоб беришдан бош тортиш:

– Where to?

– I don’t know really – Africa, South Africa [Murdoch, The B. and B., p.360];

2) таклифнинг рад этилиши:

«Order anything you like», she blushed. «Thank you, but I’m not really hungry [Sheldon, M. of the G., p.90];

3) эътироз билдириш:

– I can look in after the party.

– I don’t think it would be a wise idea, really [Shaw, Nightwork, p.134].

Таҳдид таъсирининг сусайишини, шунингдек, really модал сўзининг бевосита not юкламасидан кейин жойлашган ҳолатларида кузатиш мумкин:

I’ve not really decided what we’ll be doing yet [Waterhouse, Hall, p.273].

Ушбу ҳолларда қатъийлик ва таҳдиднинг пасайишини шу билан асослаш мумкинки, really модал сўзининг инкор мазмуни билан бирикиши нуткий тузилма семантикасига пропозиционал мазмуннинг ҳақиқатга мос келишини, инкор этиш маъносини киритади.

Хулоса қилиб, таъкидни ифодаловчи воситалар орасида асосий ўринни қатъийликнинг туб семасига эга модал бирликлар эгаллайди; уларнинг асосий прагматик вазифаси пропозициянинг ҳаққонийлиги, ростлигини таъкидлаш ҳисобланади.

Таъкидни ифодаловчи модал бирликлар хабар берилаётган ахборот ҳаққонийлиги ва ростлигини кучайтиришдан ташқари, нуткий тузилма прагматик мазмунига адресат пресуппозициясининг ҳақиқатлигини тасдиқлаш ёки инкор этиш каби қўшимча тусларни ҳам киритиши мумкин. Ушбу турдаги операторлар қатъий эътироз, суҳбатдош фикрига қўшилиш, узил-кесил рад этиш, қатъий баҳолаш каби иккинчи даражали прагматик мазмунларни биринчи ўринга олиб чиқиш учун хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Levinson S. Presumptive Meanings: A Theory of Generalized Conversational Implicature. – Cambridge, Ma: MIT press, 2000. – 504 p.
2. М Беляева Е.И. Модальность в различных типах речевых актов // Филологические науки. – 1987 б. – № 3. – С.64-69.
3. Акаров М.Л. Основы теории дискурса. – М.: Гнозис, 2003. – 280 с.
4. Карасик В.И. Язык социального статуса. – М.: ИЯ РАН, 1992.–330 с.
5. Thomas J. Meaning in Interaction: An Introduction to Pragmatics. – London: Blackwell, 1995.
6. Haverkate H. Impositive Sentences in Spanish: Theory and Description in Linguistic Pragmatics. – Amsterdam etc.: Holland Publ. Co., 1999. – 194 p.
7. Krause M. Epistemische Modalität: Zur Interaktion lexikalischer und prosodischer Marker. – Wiesbaden: Harrassowitz, 2007. – S.250.
8. Боймирзаева С.Ў. Матн модаллиги. – Т.: Фан, 2010. – 151 б.



9. Lyons J. Semantics. – L., Melbourne: Cambridge Univ. Press, V. 1. – 1997. – 371 p.
10. Mittwoch A. Grammar and Illocutionary Force // Lingua. – 1986. – V. 40. – P.21-42.
11. Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. – Blackwell Publishing, 2008. – 529 p.
12. Quirk R., Greenbaum S. A University Grammar of English. – London: Longman, 1999. – 484 p.
13. Aijmer K. Evidence and the Declarative Sentence. – Stockholm: Studentlitteratur Lund Bibliogr. 1990. – 142 p.
14. Сонич Т.П. Грамматические средства выражения некатегоричного высказывания в современном немецком языке: Автореф. ... дисс. канд. филол. наук. – М., 1985. – 24 с.
15. Старикова Е.Н. Проблемы семантического синтаксиса. – К.: Вища школа, 1985. – 122 с.
16. Вольф Е.М. Функциональная семантика оценки. Изд. 2-е. – М.: Наука, 2002. – 228 с.
17. Gardner. E.S. The Case of the Lazy Lover. – Pan Books, L., 1991. –189 p.
18. Sheldon. S. Master of the Game. – Pan Books, L., 1983 –430 p
19. Cooper. G. Everything in the Garden // New English Dramatists. – Penguin Books Ltd., Harmondsworth, 1983. – P.141-221.
20. Bradford. B.T. Hold the Dream. – Panther books. Granada Publ. Ltd. L., 1995. – 831 p.
21. Susann. J. Valley of the dolls. – Brandon Ltd., Tip-tree, Essex, 1995. –510 p.

Холматова В., Жумаев С. Модальные единицы, активизирующие содержание речевых актов. Прагматическое содержание предложения оценивается в соответствии с акцентом выражаемой мысли. Соответственно, речевые действия могут происходить в акцентированных, нейтральных и безударных проявлениях. Активация любого из этих вариантов определяется различными лингвистическими и неязыковыми факторами.

Прагматическое содержание обычно проявляется в структуре речевых актов. В частности, коммуникативная цель, в которой такие действия, как сообщение, утверждение, вероятность, обещание, описание, объяснение, комментарий, выражаются в рамках конструктивного речевого акта, также отличается наличием отдельных модальных членов.

Kolmatova V., Jumayev S. Modal units that activate the content of speech acts. The pragmatic content of the sentence is evaluated according to the emphasis of the expressed thought. Accordingly, speech actions can occur in accented, neutral and unstressed manifestations. The activation of any of these options is determined by various linguistic and non-linguistic factors.

Pragmatic content usually appears in the structure of speech acts. In particular, the communicative goal, in which actions such as a message, statement, probability, promise, description, explanation, comment, are expressed within the framework of a constructive speech act, is also distinguished by the presence of separate modal members.